

ТУШУНИКСИЗ “ТУШУНЧА”ЛАР

Чори Насриддинов

ЧОТҚМБЮ Гуманитар фанлар кафедраси доценти

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф мафкуравий, гоявий тарғибот ишларида муҳим аҳамият касб этадиган «оммавий маданият» тушунчасига нисбатан ўзининг шахсий мулоҳазаларини баён этган булиб, бу нарса соҳага қизиқувчи ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди.

Калит сўзлар: *оммавий маданият, ёт гоя, гоявий тарғибот, замонавий буржуа жамияти*

АННОТАЦИЯ

В статье автор высказал свое личное мнение о понятии «массовая культура», имеющем большое значение в идеологической пропаганде, что не оставит равнодушными читателей, интересующихся данной областью.

Ключевые слова: *массовая культура, чужая идеология, идеологическая пропаганда, современное буржуазное общество.*

ABSTRACT

In the article, the author expressed his personal opinion on the concept of "mass culture", which is of great importance in ideological propaganda, which will impress readers interested in this area.

Keywords: *mass culture, alien ideology, ideological propaganda, modern bourgeois society.*

КИРИШ

Ҳозир нафақат соҳа мутахассислари, балки оддий инсонлар ўртасидаги мулоқотларда ҳам девиант, делинквент каби тушунчаларнинг тез – тез ишлатилаётганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Шундай бўлса - да, бу тушунчалар англатадиган маъно - моҳиятни яна бир бор эслатиш фойдадан холи эмас: девиант хулқ – атвор жамиятда қарор топган ахлоқий меёрлардан, делинквентлик эса ҳуқуқий талаблар доирасидан четга чиқиб, уларга зид ҳаракатлар содир этилганлигини англатади. Инсоншунослик фанлари соҳасида ҳалигача очик қолаётган бир муаммо биз сўз юритмоқчи бўлган масала билан боғлиқ. Кўплаб мамлакатлардаги нуфузли илмий марказлар олимлари томонидан тизимли фундаментал тадқиқотлар ўтказилганлигига қарамай, бугунгача инсон руҳиятининг бутун умри давомида қандай ўзгариши масаласи очиклигича қолмоқда. Гап маънавий камолот, айниқса, ёшлар тарбияси ҳақида борар экан, шахс таркиб топиши жараёнининг психологик қонуниятларини,

жумладан, ахлоқий одатлар ва ишонч – эътикод таркиб топишининг қонуниятларини билмай туриб тўғри тарбия бериш мумкин эмаслиги кундек равшан.¹Тўғри, инсон маълум бир тизимга солинган таъсуротлар билан бир қаторда тартибсиз, стихияли воқеа – ҳодисалар маҳсули ҳам ҳисобланади. Лекин бу жойда ҳам ноаниқлик мавжуд: улардан қай бири инсон хулқ – атворига кучлироқ таъсир этиши масаласига ҳануз ойдинлик киритилмаган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Агар бир ҳаётий мисолни айтиб берсам, фикрим янаям тушунарли бўлади. Бир неча йил аввал нуфузли нашриётлардан бирининг муҳаррири маънавий – маърифий мазмундаги китоб учун “оммавий маданият” мавзусида бирор нарса ёзиб беришимни сўраб менга мурожаат қилди. Мавзу ҳар куни кўриб, эшитиб юрганимиз масалалар доирасида бўлгани учун ҳам рози бўлдим. “Бундан осони бор эканми!?” Одатан, ёзадиганларимни бир муддат хаёлимда пишитиб, зеҳнийга жойлаб юрдим. Мўлжалимдаги “хомашё” тайёр бўлгач эса, уларни қоғозга тушира бошладим. Айнан шу жараёнда фикрларим ва ёзганларим ўртасида тушуниксиз зиддият пайдо бўлаётганлигини сезиб қолдим. Гап шундаки, матнни тузаётганимда “оммавий маданият” тушунчасига ўзимча таъриф бермоқчи бўлдим, бироқ ҳар қанча уринмайин, мантикли бирон нарса чиқара олмадим. Шундан сўнг, бу ҳолни ўзимнинг билимсизлигимга йўйиб, “суяги шу ишда қотган” ҳамкасабаларимга мурожаат қилдим. Улар бунга жавобан нималар дейишмасин, барибир савол очиклигича қолаверди - бу тушунчани мантиқий бир шаклга солиш имкониятини тополмадим; улардан ҳам жўяли бир фикр чиқмади, ва мен, табиийки, нашриёт муҳаррирининг ишончини оқлай олмадим.

Шундан сўнг, менда миллий мафкурамизнинг бу муҳим назарий тушунчасига нисбатан шубҳа пайдо бўлди. Агар чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, маданият қанчалик кенг ижтимоий – маънавий ҳодиса бўлмасин, у шаклан ҳам, мазмунан ҳам фақатгина миллий ёки умуминсоний бўлиши мумкин, боринг ана, шахсий ҳам бўлсин, лекин ҳеч ҳам оммавий бўлолмайди! Маданият ўз табиатига кўра объектив руҳий – ижтимоий қонуниятлар асосида шаклланади – уни кимнингдир хоҳиши билан, сунъий яратиш мумкин эмас! Агар масалага мана шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, “оммавий маданият” - тушунча эмас, сўз бирикмаси бўлиши мумкин, чунки сўз тушунчага айланиши учун, у ички мазмунга эга бўлиши, яъни, бирор моҳиятни англатиши даркор; унинг ёнига яна бир сунъий ибора – “ёт ғоя”ни ҳам қўйиш мумкин. Чунки ғоялар мақбул – номақбул ёки тўғри – нотўғри бўлиши мумкин,

¹Ш. Дўстмухамедова. Ёш даврлари ва педагогик психология. Т. 2013 й. 8 – б.

лекин ҳеч ҳам ёт бўлолмайди. Фикрим тушунарли бўлиши учун ғояга берилган илмий таърифлардан бирини келтираман: “Ғоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад – муддао сари етаклайдиган кучли теран фикр. Ғоялар гарчи тафаккурда пайдо бўлса – да, инсон ва жамият руҳиятига, ҳатто, ғайри шуурий қатламларга ҳам сингиб боради. Ҳар қандай ғоянинг асосида билим ётади”². Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, ёт, яъни, бегона ғоя бўлиши мумкинми? Тўғри, сиз билан менга қайсидир ғоя – мақсад ёқмаслиги, унга қўшилмаслигимиз, уни танқид қилишимиз мумкин. Лекин уни ўзимизга ёт билиб, ундан кўз юмолмаймиз-ку!?

Шундан сўнг, камина ўзимдаги бу шубҳа – гумонларни тарқатиш ёхуд унинг исботини топиш мақсадида соҳага оид турли хил адабиётларни излаб топиб, ўрганишга ҳаракат қилдим. Мана, масалан, “Оммавий маданият” номли нитобда шундай фикрлар ёзилган экан: “Оммавий маданият кўп қиррали, сермаъно ҳодиса бўлиб, бизнинг давримизда уни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар кўплигига қарамай, унинг моҳияти тўғрисидаги саволга ҳали ҳам муайян жавоб берилмаган. Чиндан ҳам, ушбу масала билан шуғулланувчи тадқиқотчилар оммавий маданият нима эканлиги ҳақида ҳозирга қадар маълум даражада бир хил маънога эга таърифни ишлаб чиқа олмаган бўлсалар, унинг моҳияти ва асосий хусусиятлари борасидаги ягона фикр моҳияти ҳақида гап юритиб бўлармиди!?”³ Ана холос!? Демак бу муаммога фақат мен дуч келмаган эканман – да! Ёки, советча тузумнинг охириги йилларида рус тилида чиққан яна бир жиддий китобда: “Оммавий маданият” замонавий буржуа жамиятига хос бўлиб, қатъий бир қолипга солинган маънавий кадриятларни яратишга ҳамда уларни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатишга хизмат қилади”⁴ деган маънисиз ва тўмтоқ таъриф берилган экан. Мен бундай мужмал изоҳлардан ҳеч нарсани била олмадим; аксинча, улар масалани баттар чигаллаштирди.

Эҳтимол, бу гапларнинг мақоламиз аввалида эслаганимиз ёшларнинг девиант ва делинквент хулқ – атворига қандай таъсири бор, дейишингиз мумкин. Гап шундаки, тарбия соҳасидаги ишларимизнинг муваффақияти унинг назарий асосини ташкил этувчи мафкуравий тушунчаларимизнинг қанчалик ҳаётий эканлигига боғлиқ бўлади. Бир сўз билан айтганда, агар фаолиятимизда сохта сиёсий ва мафкуравий қолиплардан чиқмас эканмиз, тарбия ишимизда силжиш бўлмайди. Масалан, шу мазмундаги деярли барча адабиётларда маънавиятимиздаги муаммолар, бузилишлар тўғрисида гап борганда, ҳамisha

² Фалсафа: комусий луғат. “Шарк” МНИУ, 2004 й. 484 бет.

³ Ш. Ғойибназаров. Т. Оммавий маданият. “Ўзбекистон”, 2012 й. 7 – бет.

⁴ Советский энциклопедический словарь. М. 1990 г. Ст. 780.

бир овоздан “четдан кириб келаётган ёт ғоялар” ва “оммавий маданият” ҳақида сўз боради. Аниқроғи, барча айблар шу, ўзи аслида йўқ нарса, ходисаларга юкланади. Натижада тарбия ишидаги энг муҳим шарт – тизимлилик бузилади. Биз эса, болаларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ҳақиқий иллатларни кўрмаймиз, натижада улар баргараф этилмай қолади.

ХУЛОСА

“Оммавий маданият” ва “ёт ғоя” каби сохта ибора – тушунчалар омманигина эмас, балки тарбия ишига масъул бўлган мутасадди ва мутахассис – олимларни ҳам муаммоларнинг ҳақиқий сабабларини излашдан чалғитиш билан тарбиявий, мафкуравий ишимизга зиён етказмоқда. Бир сўз билан айтганда, бу сингари сийқа тушунчалар нодемократик, мустабид тузум ҳукмрон бўлган жамиятлардаги муаммоларни ҳаспўшлаш, жамоатчиликнинг фикрини улардан чалғитиш учун хизмат қилиб келган, ва афсуски, бу нарса жамиятимизда ҳануз давом этмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшлар ўртасида жинойтчиликнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий – сиёсий мазмундаги кўплаб чора – тадбирларнинг амалга оширилаётганлигига қарамасдан бу салбий ходисалар сонининг ошиб бораётганлиги ҳам фикримизни исботлайди. Тўғри, агар психология фани қонунлари нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, инсон хулқ – атворидаги девиант ва делинквент оғишларнинг сабаблари турлича бўлиши, уларнинг асосида ҳар хил мотивлар ётган бўлиши мумкин. Аммо такрор бўлсаям айтаман: бундай сохта мафкуравий ғоялар муаммоларнинг асл сабабларини излаб топишимизга монелик қилади, холос.

REFERENCES

1. Ш. Дўстмухамедова. Ёш даврлари ва педагогик психология. Т. 2013 й. 8 – б.
2. Фалсафа: қомусий луғат. “Шарқ” МНИУ, 2004 й. 484 бет.
3. Ш. Ғойибназаров. Т. Оммавий маданият. “Ўзбекистон”, 2012 й. 7 – бет.
4. Советский энциклопедический словарь. М. 1990 г. Ст. 780.